

## «Ҳали ёшда, каттароқ бўлса қуйилиб қолар» деманг!



21:00 / 24.10.2022 925

14 ёшдан 20 ёшгача бўлган йигит-қизларга ўсмир, ўспирин сўзи ишлатилади.

Аслида арабчада **مورق** мууроҳиқ, ўзбекчада ўсмир, ўспирин деб аталган сўз ғарб истилоҳи бўлиб, ёшлардан ўзларига бўлган ишончни суғуриб олиш ва жиноятга, аҳмоқликка қўл урсалар, «Ҳали ёшда, ўсмирда» деб уларга узр топиш, жиноятни хаспўшлаш учун ўйлаб топилган.

Шонли Ислом тарихимизда мусулмон «ўсмирлар» қандай ишларни амалга оширишган?

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳумо Шомдаги рум қўшинига қарши йўлга чиққан мусулмонлар қўшинига қўмондон бўлганларида 18 ёшда бўлганлар. Муҳаммад Фотиҳ раҳимаҳуллоҳ Қустантинияни фатҳ қилганларида 22 ёшда бўлганлар.

Муҳаммад ибн Қосим раҳимаҳуллоҳ Синд (ҳозирги Покистон, Бангладеш, Ҳиндистон)ни фатҳ қилганларида 17 ёшда бўлганлар.

Ислом бола тарбиясига катта эътибор қаратиб, болаларни кичиклигиданоқ жанг санъати, чавандозлик, қиличбозлик, камондан ўқ отиш, сузиш, югуриш каби спорт турларини ўргатишга буюрган.

Аллоҳ таолонинг фазли билан 17-22 ёш оралиғидаги мазкур қўмондонлар етишиб чиқишган.

Афсуски, ёши 25 га етса ҳам ҳаётда ўз ўрнини топмаганлар топилади.

Аллоҳ таоло фарзандларимизни кўзимизга қувонч, Исломга, Қуръони Каримга, миллатга хизмат қилиб, бу юртга аввалги пешқадамлиги қайтишига сабаб бўладиган баркамол инсонлар бўлиб етишишларини насиб этсин!

***Нозимжон Ҳошимжон***